O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KIT OB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 11 май № 98 (3373) Сешанба

Юртбошимиз Фармони билан Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинган 9 Май мамлакатимизда мустақиллик йилларида Инсон хотираси ва қадрига нисбатан адолатни тиклаган, асл ҳақиқатни ўзида тажассум этган муҳим тарихий санага айланди.

Мазкур байрам бу гал Меҳр ва мурувват йилида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Хотира ва Қадрлаш — инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъмати, тириклик мезонларидир. Меҳр ва Мурувват — Хотира ва Қадр тушунчаларидан айро эмас. Зеро, қалби меҳр-муҳаббатга тўла инсонларгина ўз тарихини, аждодларини доимо хотирлайди ва фидойи юртдошлари, ёруғ келажак йўлида меҳнат қилаётган кишиларнинг қадрига етади.

Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажаги йўлида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш, бугунги ва эртанги кунимизни қадрлашга ўргатади. Зеро, Хотира бўлмас экан, Қадрлаш ҳам йўқ.

ХОТИРЛАШ ВА ҚАДРЛАШ — ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ

9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони янада гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Майдон узра сокин мусиқа садоси таралади. Жанггоҳларда жон берган ватандошларимиз номлари абадиятга муҳрланган "Хотира китоби"нинг зарҳал варақлари уларнинг сиймоси мангуликка дахлдор эканини сукут билан тасдиқлаётгандек. Ғамгузор она қиёфасида изтиробли, шу билан бирга улуғвор умид акс этган...

Соат 9.45. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди.

— Бугун халқимиз ўзининг инсоний бурчини адо этиб, уруш йиллари ўз юрти ва яқинларини, жонажон Ватанини ҳимоя қилиб ҳалок бўлганларни, мана шу ёруғ кунларга етиб келолмаганларнинг хотираси олдида бош эгади, — деди Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. — Шу билан бирга, бугун ҳаёт бўлган, орамизда яшаётган уруш қатнашчиларини, барча фахрийларни қадрлашимиз даркор.

Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион киши яшаган бўлса, шундан 1,5 миллион нафари урушда қатнашган. Агар аҳоли сонидан вояга етмаганларни, аёллар ва қарияларни чиқариб ташласак, 50 фоиз, яъни 3 миллион нафарга яқин қурол тутишга қодир кишининг ярми урушга кетгани аён бўлади.

420 минг киши урушдан қайтмаган. 640 минг нафар ватандошимиз жароҳат олган. Таассуфки, Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган юртдошларимиз сафи йилдан-йилга сийраклашмоқда. Ўтган бир йил мобайнида беш ярим минг нафар уруш қатнашчиси вафот этди. Айни пайтда мамлакатимизда уларнинг сони қирқ минг нафардан ортмайди. Шундай экан, бу дунёда нафақат кексаларимизни, балки бир-биримизни авайлаб-ардоқлаб, қадримизга етиб яшашимиз лозим.

Ўзбек халқи ҳеч қачон бировга бош эгмаган, ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмайди ҳам. Бунга тарихимиздан кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Бутун дунёга хавф солаётган терроризм балосига қарши курашда ҳам халқимиз жаҳон ҳамжамиятининг олдинги сафларида. Ҳозирги таҳликали замон, кечагина бошимиздан ўтказган террорнинг қонли оқибатлари кишиларимиздан мудом огоҳликни, ҳар қандай хавфга қарши бир тану бир жон бўлиб курашишни тақозо этмоқда. Биз ўз қадримизни ўзимиз биламиз — кучимиз ва қудратимиз ҳам шунда.

Бу ҳақда Президентимиз Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида батафсил фикр юритди.

Яқинда юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисида гапирганда бир нарсага алоҳида эътибор бериш зарур. Адашганлар бор, уларни нотўғри йўлга бурган, ғаразли мақсад сари бошлаганлар бор. Аввало, уларни бир-биридан фарқлаш лозим. Адашиб, ёт кучлар таъсирига тушиб қолган, қилмишидан астойдил пушаймон бўлган ёшларни, агар уларнинг ота-онаси, маҳалла-кўйи ўз кафиллигига олса, кечирамиз. Халқимиз бағрикенг, кечиримли, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари шу ерда бир гуруҳ ёзувчилар ва олимлар билан ҳам суҳбатлашди. Бунда асосан тарихимизнинг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалиши, уни теран ва холис таҳлил этишимиз, буюк аждодларимиз, ота-боболаримиз матонати ва жасоратидан ўрганишимиз, тегишли хулосалар чиқаришимиз лозимлиги хусусида сўз борди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ.

Ягона юртимизни, фарзандларимизни, миллий қадриятларимизни доимо эъзозлашимиз, Ватанимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етишимиз, уларни янада мустаҳкамлашимиз керак. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўзини англаб боргани сари уларнинг онгида "Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар ва нималар билан фахрланишимиз мумкин?", деган таҳлилий ёндашув чуқурлашиб бориши зарур, деди Ислом Каримов.

Ёшларимиз, заминимизда яшаётган ҳар бир фуқаро қалбидан шу юрт, шу халқ билан ғурурланиш, унинг келажаги, фаровонлиги йўлида қайғуриш, куюнчаклик ҳислари чуқур илдиз отмоғи лозим. Зеро, ҳар қандай миллатнинг, халқнинг фарзанди шу миллатни, шу халқни улуғлаш учун яшаши керак. Ана шу туйғуни қалбига жо қилган, шу ғоя атрофида бирлашган халқни ҳеч қандай куч енголмайди.

Улуғ аждодларимизга хос бўлган савоб ва эзгу ишларни ҳамиша, ҳар куни қилмоғимиз шарт. Саховат ва мурувват билан юрт обод, кўнгиллар шод бўлади. Шу туфайли эл-юртга қут-барака инади. Азалий анъаналаримизни мустаҳкамлаб, бойитиб, ривожлантириб борганимиз сари замон, жаҳон, тараққийпарвар инсоният танлаган қадриятларни ҳам ўзимиз учун уйғунлаштиришда давом этишимиз зарур.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари Э.Воҳидов, А.Орипов, олимлар Х.Шайхова, Д.Алимова ва бошқалар кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

"Хотира китоби"нинг зарҳал варақларидан жанггоҳларда жон берган қурол-дошларининг номларини кўздан кечираётган уруш қатнашчиси, кекса шоир Назармат бундай дейди:

— Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган бу зиёратгоҳга келганимда ҳар гал вужудимни ҳаяжон чулғайди. Душман ўқига учраб, умри хазон бўлган тенгдошларимни, юртдошларимни қалбда изтироб, кўзда ёш билан хотирлайман. Бошқа жиҳатдан, уларнинг номлари мана шундай эъзоз билан абадиятга муҳрланганидан, қадр топганидан таскин топаман. Инсон хотираси қадр топган бу юртни бошимизга кўтариб яшашимиз керак. Зеро, ҳар қандай бало-қазоларни енгиб ўтишнинг ягона йўли ҳам халқимизнинг жипслигида, аҳиллигида. Бу сўлим гўша наинки пойтахт, балки мамлакатимизнинг барча қишлоқ ва шаҳарларидан келган зиёратчиларнинг севимли қадамжосига айланган.

— Отам урушга кетганида мен олти ойлик гўдак бўлган эканман, — дея маҳзун хотираларини сўзлайди Қашқадарё вилоятидан келган Турсунқул Жўраев. — У кишидан на хат-хабар, на қабр қолган. Ҳар йили баҳорда Хотира майдонига фарзандларим билан келиб отамни хотирлайман. Исми шарифи ёзилган "Хотира китоби"ни варақлаб, отамнинг руҳи поклари ҳамиша биз билан бирга эканини ҳис қиламан. Болаларим, невараларимга бизнинг дориломон кунларимиз учун курашда қурбон бўлганларни ҳамиша хотирлашни, тирикларни қадрлашни насиҳат қиламан.

Ҳа, мазкур муқаддас майдон наинки Хотира ва Қадрлаш куни, балки йилўн икки ой одамлар билан гавжум. Бинобарин, одамлар бу ерга томоша учун келмайди. Ўтганларни хотирлайди. Бу эса бугунги кунги тинч, фаровон ҳаётни қадрлашга ундайди. Чунки бу майдонга келган ҳар бир инсон қалбида Ватанни ардоқлаш, уни кўз қорачиғидек асраш лозим, деган эзгу туйғу жўш уради. Зотан, шу азиз Ватан барчамизники, уни балоқазолардан, турли ёвуз кучлардан мардона ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир...

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи баҳор чечакларига бурканди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

Хотира ва Қадрлаш куни бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди.

Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ
олган суратлар.

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Ф.АРЗИЕВ).

Юртимизда меҳмон бўлиб турган Германия Федератив Республикасининг иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт масалалари бўйича федерал вазири Ҳайдемари Вичорек-Цойль бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ганиев билан учрашди.

ГЕРМАНИЯ ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

Мулоқот чоғида томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи, истиқболдаги режалар, мазкур соҳадаги муносабатларни янада ривожлантириш борасида фикр алмашди.

Германия — Ўзбекистоннинг Европадаги асосий савдо шерикларидан бири. Мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан амалга ошираётган савдо-сотиқ ишларида Германия алоҳида ўрин тутади. Хусусан, 2003 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 333,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич 2002 йилдагидан 33,1 фоиз кўпдир.

Айни пайтда мамлакатимизда Германия сармоядорлари иштирокида 141 корхона фаолият кўрсатаяпти. Улар асосан енгил саноат, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларга ихтисослашган.

Ўзбекистон ва Германия соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Германия 2000 йилдан буён DOTS дастури доирасида Ўзбекистонда умумий қиймати 7,5 миллион еврога тенг уч лойиҳани амалга оширди.

Учрашувда Ҳайдемари Вичорек-Цойль мазкур дастур доирасида яна 2,5 миллион евролик грант ажратилишини маълум қилди. Бу маблағ сил касалликларига қарши курашда зарур тиббий ва техникавий воситалар, лаборатория ускуналарини харид қилишга, тиббиёт ходимларининг малакасини оширишга сарфланади.

Мамлакатимизда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Республикамизда уларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши таъминланган, ривожланиши учун шароит яратилган. Айни чоғда юртимизда 137 миллий-маданий марказ эмин-эркин фаолият кўрсатиб турибди. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, истиқлол шарофатидандир.

Эл-юрт истиқболига барчамиз дахлдормиз

Буни англаган, мустақиллигимизни, халқимизнинг ҳамжиҳатлигини, миллатлараро тотувликни, энг муҳими, тинчлик-осойишталигимиз ва тараққиётимизни кўролмаётган қора ниятли кучлар ўта маккорона ва ёвуз йўллар билан юртимизда беқарорлик келтириб чиқаришга уринмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда ўз қолдимизга қўйган буюк ва эзгу мақсадларга эришиш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш вазифасини бажариш, аввало ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг жипслигига, кучли иродасига боғлиқ.

Хўш, барчамиз ҳам ана шу ҳақиқатни англаб етаяпмизми?

Ақидапарастлик ва террорчилик хуружларининг олдини олиш, унга қарши курашиш ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини тўла тушуниб етдикми? Бу борада амалга ошираётган тадбирларимиз кутилган натижаларни бераяптими? Лоқайдлик ва бепарволик иллатларини бартараф этиш учун яна нималар қилишимиз керак?

Республика Байналмилал маданият маркази жамоатчилик кенгашининг навбатдаги йиғилишида ана шундай долзарб масалалар ҳақида сўз борди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг зикр этилган нутқида баён қилинган вазифаларни бажариш асносида ҳар бир инсон жамиятдаги ўрни ва мавқеидан қатъи назар, содир бўлаётган воқеаларнинг мазмунмоҳиятини теран англаши, террорчиликка қарши курашнинг олдинги сафларида бўлиши фуқаролик бурчи эканини сидқидилдан тушуниб етиши зарурлигига жиддий эътибор қаратилди. Зеро, Юртбошимиз уқтирганидек, бу курашдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Бу машъум офат мени четлаб ўтади ёки сен менга тегма — мен сенга тегмайман, деган хомхаёлларнинг умри узоқ бўлмайди.

Танқидий ва таҳлилий фикр-мулоҳазаларга, амалий таклиф ва тавсияларга бой бўлган йиғилишда миллати, эътиқодидан қатъи назар, барча фуқароларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқат, эл-юрт тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғусини камол топтириш, ёшлар орасида олиб борилаётган тушунтириш ва тарбиявий ишларнинг изчиллиги ва таъсирчанлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

(ЎзА).

Қўнғиротда янги корхона

Айни кунда дунёга машҳур «Лукойл» ва бошқа компаниялар Оролбўйи заминидаги бой углеводород заҳираларини ўзлаштириш борасида муҳим ишларга қўл урмоқда. Шу кунгача «Учсой» ва бошқа шохобчалардан олинган газ конденсати бир ярим минг километр масофага — Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига жўнатилар, шунча жойдан бензин, дизель ёнилғиси, керосин шаклида ортга олиб келинар эди.

Куни кеча Қўнғиротда «Ийгиликгаз»нинг газ конденсатидан бензин, дизель ёнилғиси, керосин ишлаб чиқарадиган заводи фойдаланишга топширилди. Йиғилганлар ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Муса Ерниязов сўзга чиқди.

«Ийгиликгаз» дастлабки иш кунида 220 тонна газ конденсатини қайта ишлаб, унинг 60 фоизини сифатли бензин, 30 фоизини дизель ёнилғиси, 10 фоизини керосинга айлантирди. Тез орада заводнинг кунлик ишлаб чиқариш қуввати 500 тоннага етказилади.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Муҳтарам муштарийлар! *«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига обуна давом этаётганлигини эслатган ҳолда таҳририят Сизнинг манфаатларингизни назарда тутиб янги имтиёзни жорий этди. Иккинчи ярим йиллик обуна нархи 25 фоизга арзонлаштирилди! Обуна бўлишга шошилинг!*

Қарор ва ижро

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонун-қоидалари бор: мулк, аввало, ўз эгасини топиши лозим. Шу боис мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида халқ хўжалигининг барча соҳаларида мулкчиликнинг турли шакллари жорий этилмоқда. Хусусийлаштирилган корхоналар акциядорлик жамиятларига айлантирилаяпти. Аммо, афсуски, ҳозирча ана шу жамиятларда чиқарилган акцияларга акционерларнинг манфаатдорлиги сезилмаяпти.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ИККИЛАМЧИ БОЗОРИ

фаоллашиши нимага боғлиқ?

Бунинг сабаблари билан қизиққанимизда мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисми фонд бозори фаолияти тўғрисида тўлиқ тушунчага эга эмаслиги, айниқса, қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори ҳақида маълумотлар жуда камлиги аён бўлди. Шу боис одамларнинг ниҳоятда кам қисми фонд бозорида иштирок этмоқда. Агар ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар изчил давом эттирилса, қисқа фурсатда аҳолининг 8-10 фоизи ундан баҳраманд бўлади, холос.

Оддий фуқарода «Аслида қимматли қоғозлар нималардан иборат?» деган савол туғилиши мумкин. Эгасига даромад келтирадиган, муайян мулкий ҳуқуқни ифодаловчи акция, облигация, вексель ва бошқа ҳужжатлар улар жумласига киради. Қимматли қоғозлар келтирадиган фойдасига қараб одамларга ҳар хил нархларда сотилади. Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорида дастлабки кредитор ва заёмчилар бўлмаган шахслар ўртасида акция, облигация, вексель ва бошқа даромад келтирадиган ҳужжатлар савдоси амалга оширилади.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишланган йиғилишида "Хусусийлаштириш жараёни қачон аниқ мазмун ва кўринишга эга бўлади?" деган масалани ўртага ташлаб, шундай деди: "Такрор ва такрор айтишга тўғри келади: қачонки қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори тўлиқ ишга тушса, фонд биржаси том маънода фаолият кўрсатса, қачонки акциялар қиймати мунтазам эълон қилиб борилса, аҳолида акциялар сотиб олишга иштиёқ ва интилиш туғилса, акцияларнинг ўзи эса шунчаки оддий қоғоз бўлиб қолмасдан ҳақиқий қимматли қоғозга айланиб, ўз эгалари учун муҳим даромад манбаи бўлсагина, бунга эришиш мумкин".

Маълумки, республикамизда ушбу вазифа билан Давлат мулки қўмитаси, унинг тизимига кирувчи Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, "Тошкент" республика фонд биржаси, Қимматли қоғозларнинг давлат марказий депозиторийси ва бошқа бир қатор ташкилотлар шуғулланади. Ўтган даврда бу идоралар мазкур йўналишда муайян ишларни амалга оширишди, албатта. Масалан, акциялар савдо-сотиғи бўйича битимлар тузишни асосан биржа ва биржадан ташқари ташкил этилган иккиламчи бозорда амалга оширишга алоҳида эътибор берилди. Бу борада Япония, Жанубий Корея, Германия, Буюк Британия ва Россия каби давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Пировардида қимматли қоғозларнинг давлат марказий депозиторийсида ўтган йили акциялари сақланаётган 4710 дан ортиқ ҳиссадорлик жамиятларининг низом жамғармаси 98 миллиард сўмга кўпайди. Уларда чиқарилган акциялар миқдори эса 65,6 миллион сўмга ошди. Бундай ижобий кўрсаткичларни иқтисодиётнинг йирик тармоқлари — "Ўзбекистон иссиққа чидамли ва ўта қийин эрийдиган металлар комбинати", "Кўмир" бирлашмалари, "Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси корхоналарида кўпроқ кузатиш мумкин.

Бевосита қимматли қоғозлар бозорида олди-сотди билан шуғулланадиган "Тошкент" республика фонд биржасида эса бугунги кунда 84 та брокерлик идораси фаолият юритмоқда. Барча вилоятлардаги филиалларда ҳафтасига беш марта электрон тизим асосида савдолар ўтказилаяпти. 1999 йилда чет эллик инвесторларга эркин муомаладаги акцияларни сотиш бўйича махсус савдо майдончалари ташкил қилинган эди. Орадан бир йил ўтгач, биржанинг фонд индекси ТАСИКС (TASIX) жорий қилинди. Унда биржа тўғрисида доимий равишда ахборотлар бериб борилаяпти. Шу билан бирга, Интернет тизимида ҳам унинг web-сайти мавжуд. Ўтган йили биржада амалга оширилган савдоларнинг умумий ҳажми 35,7 миллиард сўмни ташкил қилди. Ушбу савдоларда 30,9 миллион дона акциялар сотилди.

Хўш, қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорида аҳвол қандай? Бултур бу ерда 27,7 миллиард сўмлик битимлар тузилди. Иккиламчи бозорда эркин муомала учун тақдим этилган акцияларнинг жами қиймати эса 90 миллиард сўмни ташкил қилди. Бироқ иккиламчи бозорнинг умумий фонд бозоридаги улуши 30 фоиздан иборатлигини назарда тутсак, ҳали фонд биржаси том маънода ишламаётгани аён бўлади-қўяди. Бунинг асосий сабабларидан бири акциялари савдога қўйилган корхоналарнинг самарасиз фаолият кўрсатаётганлиги, оқибатда акциядорларга дивиденд-ларнинг ўз вақтида берилмаётганлигидадир. Ўзингиз айтинг: 2002 йилда акциядорлик жамиятларининг фақат 48,3 фоизида ҳиссадорларга дивиденд ажратилганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Шунингдек, хорижлик сармоядорларнинг фонд бозорида фаол иштирок этмаётганлиги ҳам бу борада ишнинг оқсашига сабаб бўлмоқда.

Республикамизда қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини такомиллаштириш, уни янги поғонага кўтариш тўғрисида муҳим ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 апрелдаги "Қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори шулар жумласидандир. Лекин унинг талаблари ижроси суст амалга оширилмоқда. Айни пайтда акциялар давлат пакетларини бошқарувчи компанияларини ишончли бошқарувга топшириш масаласи ҳам қониқарли эмас. Мазкур ишни жонлантириш учун қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини фаоллаштириш, фонд бозорида операцияларни ўтказишда харажатларни қисқартириш, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорида ахборот тўплаш ва тарқатишнинг ягона тизимини яратиш, профессионал бошқарувчи компанияларни зудлик билан ташкил қилиш талаб этилади. Бу вазифалар тўлиқ бажарилса, энг муҳими, ана шу ишларда аҳолининг кўпроқ қатлами қатнашса, қимматли қоғозлар ҳақиқий даромад манбаига айланади.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари мамлакатимизнинг Тожикистон, Туркманистон давлатлари билан чегара мавзеларида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Улар томонидан ҳудудимизга кириб келаётган ва чиқаётган товар маҳсулотлари мунтазам назорат қилинмоқда.

Кўрилган тезкор чора-тадбирлар туфайли 760 та экспорт, 293 та ноқонуний импорт ҳолатлари аниқланиб, ушлаб қолинди.

10-сонли Муборак ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари асосан чет мамлакатлардан «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг Олтингугурт ишлаб чиқариш техник таъминот ва бутлаш корхонасига келтириладиган маҳсулотларни, асбоб-ускуналарни қабул қилади. Ундаги қонда бузилиш ҳолатларининг олдини олади.

СУРАТЛАРДА: вилоят божхона бошқармаси оммавий ахборотлар воситалари билан алоқалар бўйича масъул ходими, божхона хизмати катта лейтенанти Чоршанби Худоёров, 10-сонли божхона пости ходимлари иш жараёнида.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Алоқа тизими

Ҳақиқий мўъжиза!

Хоразмликлар телекоммуникация тизимидаги ўзгаришларни шундай баҳоламоқдалар

Хоразмда телефон хизмати иш бошлаганига салкам 110 йил бўлди. 1895 йилда Хивада биринчи телефон станцияси — «Эриксон МБ» русумли 20 та рақамга мўлжалланган станция қурилган эди. Шундан кейин воҳада қўлда уланадиган, ярим автомат, декакадамли, координатали, квазиэлектрон алоқа станцияларидан фойдаланилди. Аммо улар жуда кам рақамга эга бўлиб, устига устак, мижозларга сифатли хизмат кўрсата олмасди.

Фақат мустақиллик йилларидагина тармоқда чин маънодаги янгиланиш, ривожланиш фасли бошланди. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда реконструкция қилиш ва ривожлантириш миллий дастури тўғрисида»ги қарори, айниқса, алоқа тизимини ривожлантиришда муҳим туртки бўлди. Ушбу қарор республикамизда, жумладан, Хоразм вилоятида ҳам коммуникацияни янги замонавий технологиялар асосида қайта қуриш, бу ишга чет эл инвестицияларини жалб қилиш имконини берди. Хусусан, 1995 йили вилоят алоқа тизимига 2,1 миллиард миқдорида Япония ийени ажратилгач, 198 километрлик оптик толали кабель ётқизилди. Унинг сиғими 61 минг нуқтага тенг эди. Бундан ташқари, кредит ҳисобига ўз муддатини ўтаб бўлган 11 та телефон станцияси янги замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Пировардида алоқа нуқталари 20 мингтага кўпайди.

Японияннинг бутун дунёга машҳур «НЕК», «Фижукура» компаниялари ва «Алоқа-ДЭУ» қўшма корхонасининг рақамли АТСлари ишга туширилиб, шиша толали кабелларга улангач, алоқа сифати тубдан ўзгарди. Шаҳарлараро, туманлараро ва халқаро каналлар билан тўғридан-тўғри боғланиш тезлашди. Ҳатто Хоразмнинг олис қишлоқларида истиқомат қилувчи мижозлар Ернинг сунъий йўлдоши ёрдамида дунёнинг исталган мамлакати билан бир зумда алоқа ўрнатадиган бўлишди. Бу ҳақиқий мўъжиза эди.

Ҳозирги кунда «Хоразмтелеком» акциядорлик жамиятида 90020 та телефон нуқтаси мавжуд. Аҳоли, умуман, телефон хизматининг 14 та туридан фойдаланмоқда. Улардан бири — «060» хизматидир. Айтайлик, мижоз «060» рақамини териб, аниқ вақтни билиб олиши мумкин.

— Тизимга замонавий технологияларнинг кириб келиши техникиқтисодий кўрсаткичларимиз ўсишига олиб келди, — дейди акциядорлик жамияти бош директори Ортиқжон Оллаберганов. — Мисол учун, биргина ўтган йили мижозларга 1298 та янги телефон нуқтаси ўрнатилди. Даромадимиз 3278,4 миллион сўмни ташкил этди. Мақсадимиз замонавий алоқа воситаси қишлоқлардаги ҳар бир хонадонда бўлишига эришишдир.

Гап шундаки, вилоятдаги 140 та қишлоқ телефон станцияси бир вақтлар ширкат хўжаликлари маблағига қурилган бўлиб, уларнинг 50 фоизи эскирган. Ширкат хўжаликларида уларни янгилашга маблағ йўқ. Шуни ҳисобга олиб, жамиятда қишлоқларда 1150 та симсиз, яъни радиотелефон ўрнатиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳа жорий йил охиригача амалга оширилади.

Айни чоғда Японияннинг ташқи иқтисодий алоқалар банки иккинчи босқич кредити ҳисобига бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Яқин орада Ҳазорасп, Боғот, Янгиариқ туманлари ва Питнак шаҳарчасини Урганч шаҳри билан боғловчи оптик толали кабель ётқизилиб, телефон тармоқлари сиғими яна 6,5 мингтага кенгайтирилади. Шунингдек, 4 та қишлоқ станцияси замонавий рақамли телефон станциясига айлантирилади.

Куни кеча эса Урганч туманидаги 4 та қишлоқда электрон рақамли АТС фойдаланишга топширилди. Натижада Пахтакор қишлоғида 600, Гайбу қишлоғида 800, Жалолиддин Мангуберди қишлоғида 1000, Оқолтин қишлоғида 600 та хонадонга телефон туширилди.

Мижозларга сифатли алоқа хизмати кўрсатиш, табиийки, алоқачи-муҳандисларнинг билими ва малакасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боис ўтган йили 2 нафар алоқачи Японияда, 14 нафари Ўрта Осиё мутахассислар малакасини ошириш марказида, 2 нафари Тошкент Ахборот технологиялари университетида, 74 киши эса «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси қошидаги малака ошириш марказида маҳоратларини ошириб қайтди.

Хоразмлик алоқачиларнинг ютуқлари билан бирга ечимини кутаётган муаммолари ҳам йўқ эмас, албатта. Бир мисол, ҳозирга қадар вилоят бўйича қишлоқ телефон станциялари сиғимидан фойдаланиш 96 фоизни ташкил этмоқда. Бу дегани — қишлоқлардаги хонадонларга телефон ўтказиш чекланиб қолиши мумкин. Шунинг учун корхона жамоаси ана шу муаммони ҳал этиш мақсадида янги ҳамкорларни излаяпти. Қолаверса, кўрсатилган алоқа хизмати учун тўловларни ундириб олиш қийин кечмоқда. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, корхонанинг дебиторлик қарзи 299291 минг сўмга етгани бунинг исботидир. Бу маблағни тезроқ ундириб олиш учун жамоа аҳли барча чораларни кўрмоқда. Лекин мижозлар ҳам қарзларни вақтида тўламаслиги алоқа тизимини ривожлантиришга тўсқинлик қилишини ҳис этишлари керак-да.

Шунга қарамай, «Хоразмтелеком» акциядорлик жамияти раҳбарлари қўлга киритилган даромад ҳисобига савобли ишларни ҳам амалга ошираяптилар. Хусусан, ўтган йили корхона фахрийларига 1 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Вилоятда бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари иштирокчиларига бепул алоқа хизмати ва яна 7 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. «Обод маҳалла йили» мунасабати билан Урганч шаҳридаги 31 маҳаллани ободонлаштиришга 1 миллион сўм, вилоят марказини ободонлаштиришга 3 миллион сўм сарфланди. Урганчдаги 6-мактабнинг стадиони эса тўлиқ таъмирланиб, жиҳозланди. Айни шу мақсадга 6 миллион сўм ишлатилди.

2004 йил — Меҳр ва мурувват йилида бундай саховатли ишлар ҳажми янада кўпайтирилмоқда. Муҳими, хоразмлик алоқачилар вилоятдаги ҳар бир хонадонда замонавий алоқа воситаси бўлишига эришиш йўлидаги ишларни изчил давом эттираверадилар.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАТЛАР сўзлайди

Эътироф

Гули Ҳамроева санъат соҳасида танилиб улгурган, халққа хизмат қилиб келаётган ижодкорлардан. У йиллар давомида Алишер Навоий номли опера ва балет театрида фаолият кўрсатди. Мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Ёшлар ғамхўри

Тиниб-тинчимас санъаткор театрда ишлаш баробарида Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг раҳбари ҳамдир. Ёшларга рақс сирларини сидқидилдан ўргатиб келаяпти. Шунингдек, унинг саъй-ҳаракатлари билан мактаб биноси таъмирланиб, янги жиҳозлар ўрнатилгани қувончли ҳол бўлди. Меҳнаткаш, табиатан серғайрат бу аёл жамоанинг, айниқса, ёшларнинг меҳрини қозонган.

Розия КАРИМОВА,
Ўзбекистон халқ артисти, профессор.

Лафзсизлик

Яқинда «Ширбудин» фуқаролар йиғинига қарашли 25-мактабда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Уни «Феруз Мурод» фирмаси ўз зиммасига олганди.

Иш битгач, алдовми?

Биз бир гуруҳ усталар 20 кун давомида келишилган нарх бўйича шу ерда ишлаб, белгиланган кунда таъмирлаш ишларини тугалладик. Бироқ бир неча ойдан буён меҳнат ҳақимизни ололмай оворамиз. Фирма раҳбари бизга ҳар гал қуруқ ваъда беришдан нарига ўтмайди. Мактаб директори, маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳам бирор ёрдам кўрсатишмаяпти.

Ҳалол меҳнатимизнинг ҳақини олишда сизлардан ёрдам сўраймиз.

Азамат МАВЛОНОВ
ва бошқалар.
Бухоро шаҳри.

Нажот истаб

Биз Майна Ҳасанова номли жамоа хўжалигидаги Чўнағор қишлоғида истиқомат қиламиз. Атрофимиздаги ҳудудларнинг деярли барчаси газлаштирилган.

Амалий ёрдам берилса...

Қишлоғимизни газ билан таъминлаш учун атиги уч километр масофадан қувурлар ётқизилса бўлгани. Чунки Чўнағордаги 653 хонадон маблағ йиғиб, ҳатто лойиҳасини ҳам тасдиқлатган. Газнинг келиши эса чўзилиб кетаяпти. Бу борада мутасадди ташкилотларга мурожаат қилганимизда "Шўртаннефтгаз" унитар шўъба корхонаси орқали 3 км. газ қувурини тортиш режалаштирилаётганини айтишганди. Амалий ишдан дарак бўлмаяпти.

Ўтаган ҚУРБОНОВ
ва бошқалар.
Ғузор тумани.

Миннатдорчилик

Инсон умрида шундай пайтлар бўладики, танангдаги дард азоб бериб турганида атрофингдаги одамлардан мадад кутиб яшайсан. Шифокорларнинг беморга эътибори, очиқ чеҳраси мўъжизанинг ўзгинаси экан, аслида.

Раҳмат сизга, шифокорлар!

Кўп йиллардан бери аллергия хасталигидан азият чекардим. "Ўзбекистон темир йўллари" марказий клиник шифохонаси шифокорлари М.Усмонов ва Э.Тошалиевларнинг меҳрибонлиги туфайли дардим енгиллашди. Бу фидойи инсонларга ўз миннатдорчилигимни изҳор қиламан.

Гулчеҳра АБДУСАМАТОВА,
Алишер Навоий номидаги
нафис санъат лицейи ўқитувчиси.

Бурч

Инсон қадру қиммати ҳамма нарсадан азиз. Ўтганларни ёд айлаш, уларни ҳурмат ила хотирлаш барчамизнинг бурчимиз.

Қабристонлар обод бўлсин

Айниқса, қабристонларни обод қилиш савоб иш. Лекин, туманимиздаги айрим қабристонларнинг аҳволи билан танишсангиз кўнглингиз бузилади. Чунки серёғин кунларда сув тошиши сабабли "Ойбарак" қишлоқ қабристонидаги айрим қабрлар чўкиб бормоқда. Шундай ҳолни «Оғоба" қабристонида ҳам кўриш мумкин...

Ўрол БЕКМУРОДОВ.
Денов тумани.

Наманган давлат университетида "Ўзбекистонда икки палатали парламентни шакллантириш: ҳуқуқий асослар ва демократик мезонлар" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Парламент ва ёшлар

Унда Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов маъруза қилди. Нотиқ таъкидлаб ўтганидек, икки палатали парламентнинг ҳуқуқий асосини ташкил қилувчи қонунларимиз моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари халқаро стандартларга тўла мос келади. Шунингдек, у бу ҳуқуқий ҳужжатларнинг афзаллик томонлари, жамият ривожидаги ўрни ҳақида ҳам алоҳида тўхталди.

Анжуман қатнашчиларда — университет профессор-ўқитувчилари ва юқори курс талабаларида катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, улар давлат бошқарувининг муҳим институти қисоблланган парламентда амалга ошириладиган ислоҳотнинг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини эркинлаштиришга, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини қарор топтиришга кўрсатадиган таъсири ҳақида тушунчага эга бўлдилар.

Ўз мухбиримиз.

«Шошилинч» танлов

2002 йилнинг 3 июль куни «Жиззах ҳақиқати» газетасида эълон қилинган «шошилинч» танлов ким-киму вилоят илм аҳлини бир оз таажжублантирди. Унда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифаларини биладиган, «Миллий истиқлол ғояси» тушунчаларига эга бўлган, муҳандис-педагог ва ўқитувчилар»ни Бахмал қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ҳамда шаҳардаги «Сайилжой» академик лицей директорлиги лавозимлари учун ўтказиладиган танловда қатнашишга даъват этганди.

Ажабланарли жойи шундаки, ҳужжат тайёрлаш, уни бошқарманинг кадрлар бўлимига топшириш учун атиги 10 кун муҳлат берилди. Ахир, тавсифномаю, сўровнома, олимларнинг «Илмий-услубий ишлари, ихтиролари ҳақидаги маълумотлар баёни, номзоднинг бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режа (концепция)си» каби ҳужжатларни тайёрлашнинг ўзи бўладими?

Йўқ, кўксига урган, ишлайман, ўзимни кўрсатаман, деганлар бор экан. Танловда қатнашиш учун 7 нафар номзод ҳужжат топширди. Уларнинг 5 нафари ўша пайтдаёқ танловнинг вилоят босқичидан ўтиб, республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказида бўладиган суҳбат ва синовларга борадиган бўлишди ҳам. Аммо...

Шошма-шошарлик билан бошланган, амалдаги қонун-қоидаларнинг бузилишига олиб келган бу танловнинг салкам бир йилдан кейин якунланганлигини қандай изоҳлаш мумкин. Бу даврга келиб, ўша номзодларнинг атиги 2 нафаригина Давлат Тест маркази синовларида қатнашди. Чунки кимдир кута-кута чарчади, бошқа биров танлов жараёнидан ошкора норози бўлиб, ҳужжатларини қайтариб олди.

Назаримизда, бу ҳолга оддий тартиб-қоидаларнинг бузилиши панд берди. Аниқроғи, қайсидир масъул ходимнинг ўз вазифасига эътиборсизлик, совуққонлик билан қарагани, бошқа бировнинг ўзига юклатилган ишни уддалай олмагани сабаб бўлди. Ўша эълон чиқиб, танловнинг вилоят босқичи ўтганидан кейинги жараён номзодлар учун бутунлай мавҳумлигича қолди. Уларга на танлов учун

Ажабо!

қўшимча ҳужжатлар қабул қилиниши, на танловнинг қолдирилганлиги ёки кечиктирилиши сабаблари тўғрисида ҳеч қандай хабар бўлмади. Аризаларни қайтариб олган номзодлар ўрнига янгилари пайдо бўлгани эса, табиийки, барчани ажаблантирди, норозиликларни кучайтирди.

Аслида танлов иштирокчилари уни ўтказиш жараёнида юзага келган муаммолар, катта-кичик раҳбарларнинг алмашуви каби масалалар ҳақида бошқармадаги бевосита мутасаддилар томонидан хабардор этиб турилганида, балки ҳеч қандай «миш-миш»ларга ўрин қолмасди, танловнинг одилона ўтишига шубҳа уйғонмасди.

— Мен Марказнинг топшириғини бажарганман, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси кадрлар бўлими бошлиғи Акбар Қаюмов. — Ўзимча бир нима қилмайман-ку!

Ажабо! Танлов жараёнининг бориши ҳақида номзодларни хабардор қилиб туриш учун ҳам наҳотки Марказнинг топшириғини кутиш зарур бўлса?!

Танловнинг қандай ўтгани, якунлангани ҳақида фикр билдириш асл мақсадимиз эмас. Бу ҳақда унинг ташкилотчиларидан эшитиш ўринли бўлар. Хулосани ҳам мутасаддилар бергани маъқул. Аммо бир қарашда жуда оддий, ҳеч қандай шубҳа-гумонларсиз, оворагарчиликсиз ўтиши мумкин ва лозим бўлган танловнинг барча номзодларни ноқулай аҳволга солиб қўйгани, шунинг орқасидан юзага келган ташвишлари ўринсиз бўлди.

Абдулла Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институти ректорати тавсияси билан танловда иштирок этган, Физика-математика ўқитиш услуби кафедраси мудири, фан номзоди, доцент Б. Эргашевнинг бу борадаги саволлари ярим йилдирки, жавобсиз. Танловнинг республика босқичида қатнашган Ф. Аҳмедов нима учун республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказида айтилган суҳбат, синов ўтказилмаганидан ҳайрон.

Афсуски, на бошқармадан ва на таълим марказидан шошилинч эълон қилинган, бироқ бир йилда якун топган бу ғалати танловнинг изоҳи хусусида тайинли жавоб йўқ. Таҳririятга келган жавоблар ҳам ўта юзаки ва афсуски, ўта қониқарсиз. Уларни ўқиб беихтиёр «Мен нима дейману, қўбизим нима дейди», деган мақол ёдга тушади.

Хуллас, домлалар ўзларига бўлган бундай муносабатдан таажжубда. Тизимдаги раҳбарлар эса йўл қўйилган камчиликларни тан олиб, айбдорларга нисбатан чора кўришни хаёлларига ҳам келтиришмаётгани қизиқ.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Энг муҳим бойлик

Тошкент шаҳар врачлар малакасини ошириш институтида Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятининг 2003 йил якуни ва бу йилги режаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда қатнашган соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров Санитария-эпидемиология хизматининг жойлардаги фаолиятини эътироф этиб, уни янада яхшилаш борасида таклифлар билдирди.

Анжуманда, шунингдек, бир қатор етакчи олимлар республика санитария-эпидемиология хизматида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар, халқаро ва нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг касалланиш кўрсаткичларининг ҳолати, юқумли касалликлар профилактикаси ҳамда ОИТС билан боғлиқ масалаларга тўхталиб ўтдилар.

Камола МИРЗААҲМЕТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Денгизга йўл

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимиз учун транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва халқаро транспорт йўлларига чиқиши муҳим аҳамият касб этди. Чунки илгари биз транспорт қамалида қолган эдик. Собиқ иттифоқнинг парчаланиши ва эски алоқаларнинг бузилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг импортга боғланиб қолишига олиб келди. Ушанда мамлакатимизга дон, нефть, металл, ёғоч, озиқ-овқат маҳсулотлари ва биринчи навбатда зарур бўлган маҳсулотларни четдан олиб келиш зарур эди. Вужудга келган тўсиқлар, яъни чегаралар, божхона пунктлари ҳамда МДҲ давлатларининг юкларни транзит қилишда «ўз қоидалари»ни жорий қилиши бу ишни яна ҳам қийинлаштирди.

Бундай шароитда Ўзбекистон ҳукумати томонидан транспорт хавфсизлигини таъминлаш миллий стратегияси ишлаб чиқилиб, муваффақиятли жорий қилинди. У миллий транспорт тизимининг халқаро транспорт тизимига ўзаро манфаатли интеграциялашувига йўналтирилган эди.

Ўзбекистон транспорт соҳасида 90 га яқин ҳукуматлараро шартномаларни имзолади ва 24 та халқаро конвенцияга қўшилди. Мамлакатимиз, ЭКО, ЭСКАТО, БМТнинг транспортни ривожлантириш ва Буюк Ипак йўлини тиклаш ҳамда ЕИ, ШҲТ ва МДҲ транспорт дастурларининг тўлақонли аъзосидир.

Қатор лойиҳаларнинг амалга оширилиши туфайли поезд ва автомобиль орқали Ўзбекистонга ва мамлакатимиздан ташқарига юк ташишни кенгайтириш имконияти туғилади. Хусусан, қатор МДҲ давлатлари орқали ўтувчи анъанавий темир ва автомобиль йўллар қаторига Транскаспий маршрути (ТРАСЕКА), Афғонистон, Эрон, Хитой орқали ўтадиган транзит қилинадиган юклар ҳажмини йилига 20 фоизга кўпайтириш имконини берди. Халқаро юкларни ташиш бўйича Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой йўналиши мамлакатимиз учун янги имкониятлар очди. Муқобил транспорт йўлларини ривожлантиришда халқаро транспорт йўлларини ривожлантириш бўйича Европа — Кавказ — Осиё кўптомонлама шартномаси алоҳида ўрин тутади.

Буларнинг барчаси, Ўзбекистоннинг денгиз бандаргоҳларига чиқиш мақсадига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларига хизмат қилади. Чунки мамлакатимиз энг яқин денгиз бандаргоҳларидан 3 минг километр узоқликда жойлашган.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга бўлмаган 30 та ривожланаётган давлатлар аҳолисининг кўпчилиги қашшоқликда умр кечиради, 16 таси эса ривожланмаган мамлакатлар гуруҳига киради. Уларнинг умумий майдони ер шарининг 12,5 фоизини ташкил қилиши ва бу ҳудудда сайёрамиз аҳолисининг 4 фоизи яшашига қарамай, бу ерда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 0,3 фоизигина ишлаб чиқилади, холос. Ушбу мамлакатларда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш одам бошига 1500 долларга яқинни ташкил этади. Денгизга чиқиш имконияти мавжуд мамлакатларда ўртача 5500-6000 долларга тенг.

ЮНКТАД ва Халқаро Валюта Фондининг маълумотига қараганда, денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имконияти бўлмаган ривожланаётган давлатларнинг транспорт ва суғурта хизматлари учун сарфлайдиган харажатлари бундай имконияти бор давлатларникидан икки баробар кўп.

Мамлакатнинг денгиз коммуникацияларидан узоқлиги хориж сармояларини жалб қилишга ҳам тўсқинлик қилади. Ўтган йили денгизга чиқиш имконияти бўлмаган 30 та ривожланаётган давлатга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари киритилиши дунё бўйича хорижий сармоялари киритилишининг борйўғи 0,35 фоизини ташкил қилди. Денгизга чиқолмаслик ҳатто, мамлакат ичида ҳам инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилишга таъсир кўрсатади. Мисол учун, Хитойнинг денгизга чиқиш имкониятига эга бўлган шарқий музофотларига киритилаётган инвестициялар унинг марказий ва ғарбий музофотларидан кўра юзлаб марта кўп.

Жаҳон банкининг маълумотига қараганда, денгиз коммуникацияларига эркин чиқолмайдиган мамлакатлар экспортдан тушадиган фойданинг 40 фоизидан зиёдини транспорт ва суғурта хизматлари учун ҳаражат қилишга мажбур, баъзида экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотларни олиб келиш ҳамда олиб кетиш маҳсулот таннархидан ҳам қимматга тушади. Айтиш лозимки, денгизга эркин чиқолмайдиган ривожланаётган мамлакатларнинг экспорт ва импорт тизимидаги транспортнинг сони бошқа мамлакатлардан кўра ўртача 8 баробар кўп.

Шундай қилиб, денгиз бандаргоҳларидан узоқликда жойлашганлиги, транспорт тарифларининг юқорилиги, турли хил чегара ва божхона тўсиқлари мамлакатни жаҳон бозоридан ажратиб қўяди, экспортни иқтисодий жиҳатдан фойдасиз нарсага, ҳаёт учун зарур бўлган маҳсулотларни импорт қилишни эса оғир юмушга айлантиради.

Шунинг учун мамлакатимизнинг келажакда денгиз коммуникацияларига биз учун самарали йўллар орқали чиқишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон, Афғонистон ва Эрон президентларининг Трансафғон транспорт йўлаги бўйича имзолаган шартномаси мана шу мақсад йўлидаги қадамлардан бири. Масалан, ҳозирги пайтда Ўзбекистондан Латвия, Литва ва Россия бандаргоҳларига юк олиб бориш учун 20 кунга яқин вақт лозим бўлса, Трансафғон транспорт йўлаги ишга тушганидан сўнг Эроннинг Бандор-Аббос ва Чаҳбаҳор денгиз бандаргоҳларига юкларни уч қурқали чиқишини етказиш мумкин бўлади. Экспертларнинг ҳисоб-китобига кўра, бу йўл орқали юкларни етказишда вақт тежалишидан ташқари, транспорт харажатлари ҳам бир неча баробар камаяди. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган йиғилишида қайд этилганидек, сўнгги олти йил ичида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот барқарор равишда 4 фоиздан зиёд ўсмоқда. Ўтган йили бу ўсиш 4,4 фоизни ташкил қилди. 2003 йилда республикамизнинг ташқи савдо айланмаси 17 фоизга, экспорт ҳажми 24,6 фоизга кўпайди.

Агар мамлакатимиз денгизга эркин чиқиш имкониятига эга бўлганида, бу кўрсаткичлар янада юқори бўларди. Ўзбекистоннинг денгиз бандаргоҳларига бошқа давлатлар орқали чиқишининг яна бир салбий томони, мамлакатимизга арзон ва сифатсиз маҳсулотларнинг кириб келишидир. Бу эса маҳаллий ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиши билан бирга, валютанинг республикамиздан чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимизнинг денгизга чиқиш учун икки давлат ҳудудидан ўтишга мажбурлиги ҳар йили республикамизда ялпи ички маҳсулот ўсишини 4 фоизгача камайтирмоқда.

Айтиш лозимки, сўнгги пайтларда турли транспорт йўлаклари бўйича рақобат юзага келаётир. Бу, ўз навбатида, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчиларимизга экспорт ва импорт бўйича юкларни ўзлари учун қулай йўналишлар орқали олиб бориш имкониятини яратади. Буларнинг барчаси охир-оқибатда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилади.

Қўлдош УЛЮКОВ,
сиёсий шарҳловчи.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Тайёргарлик суст

Халқаро олимпия қўмитаси вакиллари ёзда Афинада бўладиган олимпиадага объектларнинг қанчалик тайёр эканлигини текширмоқда. Олимпиада очилишига 100 кундан камроқ вақт қолганига қарамай, объектларнинг учдан бир қисми тайёр эмаслиги аниқланди.

Шундай бўлса-да, Халқаро олимпия қўмитаси вакиллари ёзги ўйинлар муваффақиятли ўтади, деб ишонч билдирдилар.

Қайта тиклаш бошланди

Украинанинг Запорожье вилоятининг Мелитополь туманидаги ҳарбий омборхоналарда содир бўлган ёнғин оқибатида кучли портлашлар рўй бергани тўғрисида аввал хабар берган эдик. Мамлакат Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тарқатган маълумотларга кўра, ҳозир махсус техника ёрдамида омборхонанинг портлашлар натижасида зарар кўрган муҳандислик тизими қайта тикланмоқда.

Куйдирги хавфи

Тбилиси юқумли касалликлар шифохонасига куйдирги касаллигига мубтало бўлган 8 нафар киши келтирилди. Грузия соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазири Ладо Чипашвилининг маълум қилишича, улар зararланган мол гўштини истеъмол қилишлари натижасида ушбу хасталикни юқтиришган. Шунингдек, вазир касаллик тарқалган жой аниқланиб, зарур чоралар кўрилаётганини ҳам билдирди.

Нефть нархи ошадими?

Энергетика соҳасининг эксперти, швейцариялик сенатор Рудольф Рекштайнер нефть баҳосининг ўсиши бўйича тахминлар жаҳон бозорида нотўғри кўрсатилганлигини маълум қилди. Унинг айтишича, нефтнинг бир баррели(159 литр) яқин орада 60-70 долларгача кўтарилиши мумкин. Бунга Ҳиндистон ва Хитойда нефть қазиб олиш камайганлиги ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Аэрокосмик кўргазма

Германиянинг Шенефельд аэропортида ILA — 2004 аэрокосмик кўргазмаси очилди.

Кўргазмада фуқаро авиациясининг янги моделлари — юк ташувчи, ҳарбий, шахсий ҳамда спорт самолёт ва вертолётлари намойиш этилмоқда. Шунингдек, космик технологиялар, яъни турли мақсадларда ишлатилувчи сунъий йўлдошларга ҳам кўргазмада катта ўрин ажратилган.

Фитначилар ҳибсда

Венесуэлада мамлакат президенти Уго Чавесни вазифасидан четлаштириш ва ҳукуматни ағдаришни режалаштирган 88 нафар киши ҳибсга олинди. Венесуэла полицияси маълумотига кўра, уларнинг кўпчилиги колумбиялик исёнчилар ва венесуэлалик диссидентлардир.

Италия. Кремонадаги тарихий обида.

Ҳарбий судга берилади

Америка ҳарбийлари ҳибсга олинган ироқликларни қийнаганликда айбланаётган аскар устидан трибунал 19 май куни бошланишини маълум қилди. Бригада генерали Марк Киммит пенсильваниялик 24 ёшли Жереми Сивицнинг устидан ўтказилаётган ҳарбий суд очиқ бўлишини таъкидлади. Шунингдек, Киммит яна олти нафар аскар ҳам судни кутаётганини билдирди.

Филиппинда сайловлар

Филиппинда умумхалқ сайловлари бўлиб ўтмоқда. Овоз берувчилар президент, вице-президент, 12 нафар сенатор, вакиллар палатасига 200 нафар аъзо ва вилоят маъмуриятларининг 12 минг вакилини сайлашади.

Дастлабки маълумотларга қараганда, президентлик учун сайловда амалдаги давлат раҳбари Глория Арройонинг имкониятлари юқори баҳоланмоқда. Сўнгги сўровномалар унинг номзодини овоз берувчиларнинг 37 фоизи қўллаб-қувватлашини кўрсатди. Арройонинг асосий рақиби, актёр Фернандо По номзоди сайловчиларнинг 30 фоизига маъқул келмоқда.

Терроризм жирканч башараси

Терроризм ўзининг жирканч башарасини яна намойиш этди. Ўтган куни Грознийдаги "Динамо" марказий стадионида кучли портлаш содир бўлди. Бу ерда Ғалаба байрамига бағишланган концерт бўлаётган эди. Хабарларга қараганда, портлаш натижасида ҳукумат аъзолари ўтирган трибуна бутунлай вайронага айланган. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Шоҳид Аҳмадовнинг таъкидлашича, ҳаммаси бўлиб 6 киши — Чеченистон президенти Аҳмад Қодиров, Давлат кенгаши раиси Ҳусайн Исаев, Reuters мухбири Адлан Хасанов, саккиз ёшли бир қизча ва Қодировнинг икки тан соқчиси ҳалок бўлган, 33 одам жароҳатланган.

Булар сўнгги маълумотлар эмас. Айрим ахборот агентликлари ўлганлар сони 30 нафардан кўплиги ҳақида хабарлар тарқатди. ИТАР-ТАСС мухбирининг таъкидлашича, портлаш натижасида 14 киши ҳаётдан кўз юмган.

Дастлабки хабарларда, Чеченистондаги бирлашган қўшинлар гуруҳи қўмондони Валерий Баранов вафот этгани айтилган эди. Аммо бу маълумот тасдиғини топмади. У оғир аҳволда госпиталга келтирилган. Врачлар унинг оёғини кесишган. Жароҳатланганлар орасида Чеченистон ички ишлар вазири Али Алхонов ҳамда комендант Григорий Фоменко ҳам бор.

Аҳмад Қодировнинг ҳалок бўлгани расмий равишда тасдиқланган, президентнинг ваколатлари вақтинча республика бош вазири Владимир Яковлев зиммасига юкланди. Жорий йилнинг 9 сентябрига қадар Чеченистонда президентлик сайлови бўлиб ўтади.

Аҳмад Қодиров бу йил 54 ёшга тўлган эди. У диний билимни Бухоро мадрасаси ва Тошкент олий маҳадида олган. 1989 йилда Шимолий Кавказда биринчи Ислом институтини ташкил қилади ва унинг биринчи ректори бўлади. У бир неча йил чечен жангарилари сафида федерал кучларга қарши кураш олиб борган. 1996 йилдан бошлаб А. Қодиров ўз қарашларини ўзгартира бошлайди. У диний экстремизм ва ваҳҳобийликка қарши уруш эълон қилади. Шунинг учун ҳам чечен халқининг кўпчилиги уни 2003 йилги президент сайловида қўллаб-қувватлаган эди.

Экспертларнинг қайд этишича, стадион трибунаси тагида бир килограммгача тротил қучига эга бўлган артиллерия бомбаси портлаган. Улар бомба бундан икки-уч ой олдин цемент тагига кўмиб қўйилган бўлиши ҳам мумкинлигини таъкидлашди. Шу билан бирга, чечен айирмачиларининг электрон сайтида портлашни камикадзе аёл амалга оширгани тўғрисида хабар пайдо бўлди. Албатта, бу хабарларнинг қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлигини мутахассислар тез кунда аниқлашади.

Жаҳон давлатлари раҳбарлари ва сиёсат арбоблари бу фожиани кескин қоралашмоқда. АҚШ президенти матбуот котиби расмий Вашингтон номидан террорчиларни қаттиқ айблади. Унинг таъкидлашича, ҳеч қандай миллий, этник, диний ва бошқа мақсадлар терроризмни оқлашга асос бўлолмайди.

Европа Иттифоқининг ягона ташқи сиёсат ва хавфсизлик бўйича олий вакили Хавьер Солана Россия президенти Владимир Путинга телеграмма йўллаб, ЕИ бу хунрезликдан афсусда эканлигини маълум қилди ва ҳалок бўлганларнинг яқинларига ҳамдардлик билдирди. Шунингдек, яна кўплаб мамлакатлар бошлиқларидан ҳам Россия давлати раҳбари номига ҳамдардлик телеграммалари келиб турибди.

Владимир Путин портлаш содир бўлгач, Чеченистонга ўзининг махсус вакилини жўнатди. РФ президенти Аҳмад Қодиров ҳақида гапириб, у довюрак ва мард бўлганини, юрти учун ҳақиқий фидойи фарзанд эканлигини қайд этди. Бу ёвузликни уюштирганлар, албатта, топилади ва қилмишига яраша жазосини олади, дея таъкидлади В. Путин.

Б. УММАТОВ.

Осиё автомобиллари жаҳон бозорларини забт этмоқда

Осиёда ишлаб чиқарилган автомобиллар сифат бўйича Европа ва АҚШ автоуловларини ортда қолдирмоқда. Американинг J.D.Power & Associates маркетинг агентлиги шундай хулосага келди.

Дунёда ишончлилиги билан ном қозонган Toyota ва Honda ортидан Жанубий Кореянинг Hyundai машиналари ҳам жаҳон бозорида тобора мустаҳкам ўринга эга бўлиб бормоқда.

J.D.Power & Associates тадқиқотлари машина сотиб олганига 3 ой бўлган шахслар мулоҳазаларига асосланган. Япония ва Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган машиналар эгаларининг кўпчилиги харидларидан хурсанд эканликларини билдиришган.

Ўтган йили ўтказилган текширувларда Японияда ишлаб чиқарилган 100 автомобилда 111 та носозлик топилган бўлса, Корея машиналарида улар 117 тани ташкил этган. 1998 йилда Кореяда ишлаб чиқарилган 100 машинада 270 та носозлик аниқланганди. Кўриниб турибдики, кейинги беш-олти йилда Жанубий Корея автомобилсозлик соҳасида анча илгарилаб кетган.

Европа автомобиллари бу рўйхатда 3-ўринни эгаллади. Уларда 122 та носозлик топилди.

Энг ишончли деб Toyota Lexus машинаси тан олинди. Унда 87 та носозлик аниқланди. Сифатлилиги билан, шунингдек, Cadillac, Jaguar, Honda, Buick, Mercury ва Hyundai каби машиналар ҳам ном қозонган.

Энг сифатсиз машиналар рўйхати бошида Hummer, Volkswagen ва Porsche турибди. Американинг баҳайбат 100 та жипига 170 та носозлик тўғри келмоқда.

"Россия автомобиль диллерлари" ассоциацияси вице-президенти Сергей Алексейчукнинг сўзларига қараганда, жаҳон бозорида Осиёда ишлаб чиқарилган машиналарга эҳтиёж ўсиб бормоқда. Ҳар йили Япония ва Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган баъзи автомашиналарнинг сотилиш ҳажми 200-300 фоизга ошмоқда.

Маълумотларга қараганда, ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам еттита Япония ва Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган автомашиналар энг харидоргир экан. Уларга Daewoo компаниясининг Nexia ва Matiz, шунингдек, Toyota, Corolla, Camry, Hyundai Accent, Mitsubishi Lancer ҳамда Kia Rio киради. Америка ва Европа автомобиль ишлаб чиқарувчиларининг Ford Focus, Renault Symbol ва Opel Astra маҳсулотлари ҳам қийинчиликсиз харидорини топмоқда.

Осиёда ишлаб чиқарилган автомашиналар харидорларни нафақат сифати, балки нархи билан ҳам ром этмоқда. Мисол учун Skoda Fabianинг таннархи 11 минг доллар бўлса, ундан сифати жиҳатидан анча устун бўлган Daewoo машиналарини 7-9 минг долларга сотиб олса бўлади.

Хуршид РАУПОВ.

Корхона ўзи тайёрлаган ҳар хил турдаги
МЕБЕЛЛАРНИ
арзон нархларда таклиф этади.

Манзиллар: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Жомий майдони, «Алимхон савдо уйи» ёки Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 42-уй.
Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-63, 104-49-67. Факс: 152-26-55.

ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
БАССЕЙНЛАР;
АКВАПАРКЛАР.
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland
ESENYA POOL

БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

АЛИШЕР НАВОИЙ номидаги ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ
16 май, якшанба, соат 17.00 да
Етакчи опера солисти, республика танлови совриндори
Шукур Ғафуровнинг ижодий кечаси
«Кўнгил куйлаганда...»
Дастурда — ўзбек ва хорижий композиторлар операларидан машҳур ария ва саҳналар.
Театр ҳомийлари — SAMSUNG Electronics, Le Meridien TASHKENT PALACE HOTEL.
Театр директори — Баҳтиёр Ёқубов.
Бадиий раҳбар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Анвар Эргашев.
Чипталар театр чиптахонасида сотилмоқда, телефон: 133-90-81. Аҳборот телефони: 130-00-00.

Корхона Тошкент шаҳридаги омборидан пул ўтказиш йўли билан

Қозоғистонда ишлаб чиқарилган 1-навли БУҒДОЙ УНИНИ
Украинада ишлаб чиқарилган «Дивное» номли тозаланган, холестеринсиз 1 литрли идишда ҚУНГАБОҚАР ЁҒИНИ
СОТАДИ.
МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 75-93-10, 75-65-33.

Болалар спорти

Саховатпешалар

Юртбошимиз Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида жойларда тадбиркорлар томонидан ҳомийлик асосида спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари бунёд этилганини таъкидлаш билан бирга, Қўқон шаҳри, Сариосиё, Қарши, Избоскан туманлари тадбиркорлари амалга оширган ишларга ҳам юксак баҳо бердилар.

Ана шу эътироф замирида туманда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ҳамда ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишлар ётади. Шунингдек, ака-ука Мамажоновлар ҳамда уларга ўхшаш саховатпешаларнинг спортга чексиз меҳри, шу меҳри бошқаларга ҳам «юқтириш» истаги ётади.

Галлачилик, пахтачилик борасида тажриба мактаби яратган туман меҳнат аҳли, айниқса, мулкдорлар ўзлари яшаб турган гўшаларнинг ободонлиги, кўркамлиги учун ҳам астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Меҳнатда эришилаётган ютуқларни, кўтаринки руҳ ва ишончни, жисмоний баркамоллик ва маънан етукликни ҳақли равишда спорт билан боғламоқдалар. Туман ҳокимлиги эса уларнинг савобга йўғрилган ишларини қўлламоқда.

Кенг кўламдаги бу ишлар ҳокимлик томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар асосида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Чунончи, туман марказидаги «Пахтакор» стадиони ҳомийлар кўмагида таъмирланди, 2-мактаб спорт зали шу билим даргоҳини битириб чиққан собиқ ўқувчилар ташаббуси билан «ёшарди». Теннис кортини қайта таъмирлаш йўли билан энг замонавий ўйингоҳга айлантириш учун 45 миллион сўм маблағ сарфланди.

Жалолқудуқ туманининг Ойим қишлоғида истиқомат қилувчи Бегматовлар оиласи данғиллама уйлар қуриб, хорижий қимматбаҳо машиналар олишдан кўра болажонлар учун спорт залини кўнгилдагидек қилиб таъмирдан чиқариш, зарур анжомлар билан жиҳозлашни афзал билдилар. Спортга меҳр кўйган иқтидорли қишлоқ болаларини жамлаб, «Қушбеги» муай-тай клубини ташкил этдилар, машғулот ўтказиш учун 31-мактабнинг спорт зали ажратиб берилди.



Бегматовлар шу билан кифояланмадилар. Аксинча, спортнинг сеҳрли оламига умид билан қадам ташлаган болакайларнинг бошини силади. Уларга ғамхўрлик кўрсатди, руҳлантирди. Мана, унинг «мевалари» — клуб аъзоларидан Шояд Мақсудов, Маҳкам Холиқов, Дилшод Абдураҳмоновлар республика чемпиони бўлдилар.

Эзгулик эзгуликларга йўл очади. Қишлоқдан бирваракайига уч нафар чемпион чиқиши, дарс тугагач, нима қилишини билмай юрган юзлаб ўсмирлар қалбида спортга иштиёқ уйғотди. Ҳамма оёққа турди. Биргина ўтган йилнинг ўзида мавжуд 60 маҳалла фуқаролар йиғини ўртасида 48 та спорт майдони ташкил этилди. Мавжудлари мукаммал таъмирдан чиқарилди. Бегматовлар бошлаган хайрли ишга ҳавасланган мулкдорлар, тадбиркорлар, ҳомийлар ўз маблағлари ҳисобидан 2 та мерганлик, 5 жойда баскетбол, 25 ҳудудда волейбол, 3 маҳаллада футбол, 12 та мини футбол, теннис корти қуриб бердилар. Шундай қилиб, туманда жуда қисқа вақт ичида 152 та спорт майдони болажонлар ихтиёрига берилди. 15145 ўсмир 311 та спорт секциясида машғулот ўтказиш имконига эга бўлди.

Вилоятнинг яна бир тумани Шаҳрихонда эса «Ҳар бир маҳаллага – спорт мажмуи» шиори кенг қулоч ёйди. Наинки туман марказида, балки чекка қишлоқларда ҳам ҳомийлар, сармоядорлар кўмагида спорт иншоотлари, майдонлар қуриш ҳамда турли мусобақалар ўтказиш авж олиб кетди. Чунончи, Абдубий қишлоғи, «Андижонлик» ва Шерқўрғон маҳаллаларида футбол стадионлари, Юқори Шаҳрихон қишлоғида, Дўлан маҳалласида волейбол майдонлари, Тоштепа қишлоғи ҳамда Калача, Қоракўрпа маҳаллаларида бокс заллари, Янгийўл қишлоғи, Қипчоққўрғон маҳалласида кикбоксинг, «Ўзбекистон» қишлоғи ва Бобочек маҳалласида каратэ заллари қад ростлади.

Ҳа, жисмоний тарбия ва спорт қишлоқ ёшларининг кундалик эҳтиёжига айланиб бораётир. Вилоятда спорт клублари, секциялари сони кескин ортиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида 407 та спорт секцияси ўз фаолиятини бошлади. Уларга 6714 нафар ўғил-қиз қўшимча жалб этилди. Мана шулардан келиб чиқиб вилоятда ҳафтанинг ҳар шанба ва якшанба кунлари барча қишлоқ ҳамда маҳаллаларда «Оилавий спорт мусобақалари куни», деб эълон қилинди.

Ака-ука Мамажоновлар барпо этган бинолар, Бегматовлар оиласи қўлида сайқал топган спорт заллари, шаҳрихонлик қўли очиқлар меҳридан яралган ўйингоҳлар кундузлари қуёш, оқшомлари тўлин ой ёғдусига чўмилади. Улар эртаю кеч майдонда беллашаётган жамоаларни қўллаб-қувватлаётган мухлислар ҳайқириқлари, олқишларидан ларзага келади. Бугун ҳамқишлоқларига бир олам завқ-шавқ улашаётган умид ниҳоллари ҳадемай мамлакат, жаҳон миқёсидаги нуфузли беллашувларда бўй кўрсатади. Ана ўша йигит-қизлар Ватан байроғини сарбаланд этиш, юрт шаънини улуғлаш, ҳимматиям, хизматиям беқиёс инсонлар ғамхўрлигида амалий жавоб қайтариш учун майдонга тушадилар.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Неъмат ҚЎЗИБОЕВ

Бешафқат ўлим миллий маданиятимизнинг йирик намояндаси, Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофоти соҳиби, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги Неъмат Қўзибоевни 75 ёшида орамиздан олиб кетди.

Неъмат Қўзибоев 1929 йилда Фарғона шаҳрида туғилди. 1947-1953 йилларда И. Е. Репин номидаги Санкт-Петербург рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик институтида ўқиди.

Рассом ижодининг асосий қисмини оддий меҳнаткаш замондошлари образларини яратиш, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Ибн Сино сингари буюк аждодларимиз сиймоларини акс эттиришга бағишланган туркум асарлар ташкил этади.

Унинг асарларида юртимизнинг табиати, гўзал манзаралари, қадимий тарихи катта бадиий маҳорат билан акс этган. Рассом мўйқаламига мансуб «Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро», «Абдулла Қодирий» картиналари, «Самарқанд гумбазлари», «Шоҳимардон» сингари туркум асарлари бетакрор миллий руҳи билан ажралиб туради.

Н. Қўзибоевнинг асарлари тасвирий санъат ихлосмандларининг эътиборини қозонган, мамлакатимиз ҳамда Германия, Франция, Буюк Британия сингари қатор хорижий давлатларнинг музей ва галереяларидан ўрин олган.

Рассом самарали ижод билан бирга Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти профессори сифатида узоқ йиллар ёшларга тасвирий санъат сирларини ўргатиб келди, шогирдлар тарбиялади.

Неъмат Қўзибоевнинг миллий маданиятимиз ва санъатимиз ривожига қўшган ҳиссаси муносиб баҳоланган. У «Ўзбекистон халқ рассоми» фахрий унвонига сазовор бўлган, «Элюрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган эди.

Ўзбекистон миллий санъатининг атоқли намояндаси, меҳрибон устоз, самимий инсон Неъмат Қўзибоевнинг порлоқ хотираси дилларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Маданият ишлари вазирлиги
Ўзбекистон Бадиий академияси

O'ZSANOATQURILISHBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !

«Халқ банки»нинг
BANK XALQ BANKI
МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ПУЛ ЖЎНАТИШ ХИЗМАТ ТУРИ
Республикамизнинг исталган ҳудудига пул ўтказмоқчимисиз?
Бунда сизга «Халқ банки»нинг филиалларо «ТЕЗКОР» пул жўнатиш хизмати яқиндан ёрдам беради.
Сиз маблағингизни «Халқ банки»нинг исталган филиалига имтиёзли тариф ва қулай усулда жўнатишингиз мумкин.
«ТЕЗКОР» — ишончли ва қулай, бир зумда муаммонгизни ҳал этади.
Маълумот учун телефонлар:
(371) 173-69-15, 173-69-16 (ички телефон: 126).

Пахта момиғи(линти)ни қайта ишлайдиган истеъмолчилар ва корхоналар диққатига!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛ-ХОМАШЁ БИРЖАСИ
2004 йил 20 май, 15 июнь, 15 июль, 12 август, 14 сентябрь кунлари соат 15.00 да республика истеъмолчиларига миллий валютага пахта момиғини сотиш бўйича «Кимошди» савдосини ўтказади.
Қатнашчиларни рўйхатга олиш савдо ўтказиладиган куни соат 10.00 дан қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 53-«А» уй (Давлат мулки қўмитаси биносининг чап томони).
Ҳудудий «Пахтасаноат» уюшмалари томонидан қўйилган пахта момиғининг миқдори ва бошланғич нархлари тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси Мол-хомашё биржаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиалларидан олишингиз мумкин.
Маълумот учун телефон: 139-83-88, факс: 139-22-27.

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига !
ТТЗ-80.10, ТТЗ-80.11, BY-300, BY-304-2 русумли тракторлар корхонадан – тўғридан-тўғри ишлатувчиларга !
«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ДАЖ
сизларнинг истакларингиз, таклиф-мулоҳазаларингизни ҳисобга олиб, мамлакатимиз минтақаларида ўзининг дилерлик тармоқларини ташкил этганлигини маълум қилади.
Қуйида кўрсатилган манзиллардаги дилерлик марказларига мурожаат этиб, майдонларда кўргазмага қўйилган техника воситаларидан сизга маъқул бўлганини сотиб олишингиз мумкин. Марказларнинг мутахассислари тракторларга сервис хизмати бўйича йўл-йўриқлар кўрсатиб, каталогларни сизларга тақдим этишади ва зарур эҳтиёт қисмларни танлаб олиш юзасидан маслаҳатлар беришади.
Ҳисоб-китоб — турли шаклда.
Дилерлик марказларимиз қуйидаги манзилларда жойлашган:

№	Манзил	Дилерлик марказлари номи	Директорлар исм-шарифи	Телефонлари
	I. Қашқадарё вилояти			
1.	731101, Косон шаҳри, Й.Охунбобоев кўчаси, 55-уй.	ТТЗ «Косон-сервис»	Тўраев Ш.С., бош ҳисобчи.	код 37559, 32262, 32697
2.	731306, Гузор шаҳри, "Пахтазор" маҳалласи.	"ТТЗ — ММТП" Гузор	Зарипов Соат-мурод Малеевич	код 37555, 22234, 21397
	II. Сурхондарё вилояти			
3.	733000, Денов шаҳри, Остонақулов кўчаси, 107-уй.	ТТЗ «Сурхон-дарёсервис» ММТП "Сариосиё" ММТП «Олтинсой» ММТП "Ангор"	Чориев Абдусалом Гаффорович, Эшонқулов Тўхтасин, Ҳусанов Абдураҳмон, Шауманов Тўра Шоуманович.	код 37641 24601, факс: 21626
4.	733606, Сариосиё шаҳри, Улуғбек кўчаси, 110-уй.			код 37641, 31868
5.	733414, Олтинсой тумани, Қорлуқ қўрғони, Охунбобоев кўчаси, 24-уй.			код 37647 51778, уйи: 51578
6.	Ангор тумани, "Талимарон" хўжалиги, 1-бўлим, "Қорасув" маҳалласи.			код 37631, 22047
	III. Хоразм вилояти			
7.	741600, Хонқа шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 2-уй.	Хоразм техника маркази Янгибозор	Юсупов Маматсалой, Қаландаров Қадам.	код 36239, 91932, 92609
8.	740006, Хонқа тумани, У.Юсупов кўчаси.			уяли: 1545062
	IV. Жиззах вилояти			
9.	708000, Жиззах шаҳри, Лаврентьев шоҳкўчаси, 3-уй.	Жиззах техника маркази	Жўраев Холмурод	код 37222, 31821, 31526
	V. Фарғона вилояти			
10.	713826, Фарғона тумани, Аввал қишлоғи.	Фарғона техника маркази	Раҳмонов Маҳмуд Холматович	код 3732, 255733
	VI. Наманган вилояти			
11.	716003, Наманган шаҳри, Шимолий саноат зонаси, Поляковский к., 19-уй.	Наманган вилояти техника маркази	Зиятов З.С.	код 36922, 40764
	VII. Қорақалпоғистон Республикаси			
12.	743700, Тўрткўл шаҳри, Рашидов кўчаси, 53-уй.	Қорақалпоғистон техника маркази	Мадраимов Илҳом-бой Давлатович	код 361 5323293 2214975, 2211200

Ишингизда Сизнинг рекламангиз ҳамма кўргани ҳақ
«Халқ сўзи»даги Реклама –

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

бўш (вакант) профессор-ўқитувчи лавозимларига меҳнат шартномаси асосида танлов эълон қилади.

Кафедра мудирлари: спорт турлари методикаси; УТФ ва меҳнат; менежмент; иқтисод; иқтисод назарияси; умумий физика; мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси; ботаника; экология ва табиатдан фойдаланиш; миллий истиқлол ғояси; қаттиқ жисмлар физикаси; ўзбек адабиёти.

Кафедра мудирлигига фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцентлар қатнашишлари мумкин.

Профессорлар: спорт турлари методикаси (1), молия (1), иқтисод (3), иқтисод назарияси (2), инглиз филологияси (2), немис филологияси (2).

Доцентлар: жисмоний тарбия назарияси ва методикаси (1), молия (2), ахборот технологиялари ва моделлаштириш (2), фалсафа (3), психология (2), ҳуқуқшунослик (2), ўзбек адабиёти (1), иқтисод (2), ҳисоблаш математикаси ва информатика (2), математик таҳлил (1), назарий физика (1), умумий физика (2), тиббий билим асослари (1), ботаника (1), география (1), археология ва этнография (2), экология ва табиатдан фойдаланиш (1), қишлоқ хўжалигини механизациялаш (1), маданиятшунослик (1), менежмент (1).

Катта ўқитувчилар:

жисмоний тарбия назарияси ва методикаси (1), спорт турлари ва методикаси (3), УТФ ва меҳнат (1), қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш (1), факультетлараро немис тили (3), факультетлараро инглиз тили (3), менежмент (3), молия (8), ахборот технологиялари ва моделлаштириш (4), фалсафа (3), маданиятшунослик (4), иқтисод назарияси (2), ҳисоблаш математикаси ва информатика (2), математик таҳлил (2), мусиқа ва эстетик тарбия (2), зоология (1), анорганик ва аналитик кимё (1), умумий ва биоорганик кимё (1), тиббий билим асослари (1).

Ўқитувчилар:

жисмоний тарбия назарияси ва методикаси (3), спорт турлари ва методикаси (1), УТФ ва меҳнат (4), факультетлараро немис тили (8), немис филологияси (2), инглиз филологияси (5), факультетлараро инглиз тили (10), менежмент (4), молия (8), ахборот технологиялари ва моделлаштириш (4), фалсафа (5), психология (3), Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (2), маданиятшунослик (2), ўзбек адабиёти (3), ўзбек тилшунослиги (3), иқтисод (12), иқтисод назарияси (6), ҳисоблаш математикаси ва информатика (4), математик таҳлил (3), дифференциал тенгламалар ва геометрия (6), умумий физика (2), жаҳон халқлари педагогикаси (5), бошланғич таълим ва лотин ёзуви (4), мусиқа ва эстетик тарбия (6), қишлоқ хўжалиги асослари (1), ботаника (2), география (2), зоология (4), автомобиль траспорти (2), археология ва этнография (3), жаҳон тарихи (4), анорганик ва аналитик кимё (4), умумий ва биоорганик кимё (2), экология ва табиатдан фойдаланиш (3).

Танлов учун ҳужжатлар 2004 йил 11 июнгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга топширилади:
Термиз Давлат университети, бош бино, 1-қават, 101-хона, ходимлар бўлими. Телефон: 2-76-24.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети жамоаси инглиз филологияси факультети декани, доцент Тоир Икромовга опаси
Шарипа ИКРОМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Ассалом, Ўзбекистон!» студияси жамоаси катта муҳаррир Фахриддин Самадовга падари бузруквори
Умурқул САМАДОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика акциядорлик тижорат банки «Ғаллабанк» меҳнат жамоаси банкнинг Хоразм вилоят минтақавий филиали бош аудитори
Юсуфбой САИДМУРОТОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади ва уларга ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —669. 28754 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30 23456